




New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

12 (74) 2024

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

12 (74)

2024

ноябрь

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 616.-091.5

ЭКСТРЕМАЛ ПАСТ ВАЗНЛИ ЯНГИ ТУГИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРНИНГ МУДДАТИДАН ОЛДИН ТУГИЛИШИ ВА ЎЛИМ САБАБЛАРИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ

¹Сабилов Ф.М. <https://orcid.org/0009-0001-3399-6436>
²Юлдашев Б.С. <https://orcid.org/0009-0006-6954-49-48>

¹Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz
²«Маъмун университети» Ўзбекистон Хоразм вилояти, Хива, Бол-ҳовуз 2. тел: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz/>

✓ Резюме

Экстремал паст вазнли янги туғилганларни реабилитация қилиш замонавий неонатологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Чунки, амалиётда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташиқоти томонидан ишлаб чиқилган ва тавсия этилган тириклик ва ўлим тўғрисидаги мезонлар 500 граммдан 999 г гача вазнга эга янги туғилган болалар сонининг ошишига олиб келмоқда. Янги туғилганларнинг умумий сонига нисбатан кичик бўлсада (0,2-2%), экстремал паст вазнли болалар 45-55% бола ўлими ва 60-70% эрта неонатал ўлим ҳолатларига олиб келмоқда.

Калит сўзлар: Экстремал паст вазн, ўлик туғилиш, етилмаганлик.

АНАЛИЗ ПРИЧИН ПРЕЖДЕВРЕМЕННОГО РОЖДЕНИЯ И СМЕРТНОСТИ НОВОРОЖДЕННЫХ С ЭКСТРЕМАЛЬНО НИЗКОЙ МАССОЙ ТЕЛА

¹Сабилов Ф.М. <https://orcid.org/0009-0001-3399-6436>
²Юлдашев Б.С. <https://orcid.org/0009-0006-6954-49-48>

¹Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область, город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz
²«Университет Маъмуна», Хорезмская область Узбекистана, г. Хива, Бол-ховуз 2. тел: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz/>

✓ Резюме

Реабилитация новорождённых с экстремально низкой массой тела является одной из актуальных проблем современной неонатологии. Поскольку в практике внедрены разработанные и рекомендованные Всемирной Организацией Здравоохранения критерии для оценки выживаемости и смертности, это приводит к увеличению числа новорождённых с массой тела от 500 до 999 граммов. Хотя их доля среди общего числа новорождённых относительно невелика (0,2-2%), дети с экстремально низкой массой тела составляют 45-55% случаев детской смертности и 60-70% случаев ранней неонатальной смертности.

Ключевые слова: экстремально низкая масса тела, мертворождения, незрелость.

ANALYSIS OF THE CAUSES OF PREMATURE BIRTH AND MORTALITY IN NEWBORNS WITH EXTREMELY LOW BIRTH WEIGHT

¹Sabirov F.M. <https://orcid.org/0009-0001-3399-6436>
²Yuldashev B.S. <https://orcid.org/0009-0006-6954-49-48>

¹Urgench branch of the Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city, Al-Khorezmi street No. 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz
²«Mamun University» Uzbekistan Khorazm region, Khiva, Bol-govuz 2. tel: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz/>

✓ *Resume*

Rehabilitation of newborns with very low birth weight is one of the pressing issues in modern neonatology. The criteria for assessing survival and mortality developed and recommended by the World Health Organization have been implemented in practice, leading to an increase in the number of newborns with a body weight of 500 to 999 grams. Although their proportion among the total number of newborns is relatively small (0.2-2%), infants with very low birth weight account for 45-55% of infant mortality cases and 60-70% of early neonatal mortality cases.

Key words: extremely low body weight, stillbirth, immaturity.

Долзарблиги

Янги туғилган чақалоқларда тана вазнининг жуда пастлиги муаммоси перинатология ва болалар саломатлиги соҳасидаги энг жиддий муаммолардан биридир. Тана вазни 500 дан 1000 граммгача бўлган болалар асоратлар ва ўлим хавфи юқори бўлган заиф гуруҳдир. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, эрта туғилиш ва тана вазнининг пастлиги дунёдаги болалар ўлимининг ярмидан кўпи билан боғлиқ [1,2,5].

Тана вазни паст бўлган янги туғилган чақалоқлар саломатлигининг асосий жиҳатларидан бири бу иммунитет тизимининг ривожланиши ва ишлашидир. Тимус иммунитет тизимининг бир қисми сифатида болаларда нормал иммунитет реакциясини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Бошқа томондан, плацента ҳомиладорлик пайтида она ва ҳомила ўртасидаги метаболизм ва кислород учун жавобгардир. Тана вазни жуда паст бўлган янги туғилган чақалоқларда тимус ва плацентанинг морфологик хусусиятларини ўрганиш ушбу ҳолатнинг уларнинг саломатлиги ва омон қолишига таъсирини чуқурроқ тушуниш учун жуда муҳимдир [3,4,5].

Ушбу соҳадаги тадқиқотлар тананинг экстремал шароитларга мослашиши билан боғлиқ механизмларга ойдинлик киритиши, шунингдек, янги туғилган чақалоқларнинг ушбу заиф тоифасини даволаш ва кўллаб-қувватлашнинг янада самарали усулларини ишлаб чиқишга ёрдам беради [8,10]. Болаларда тана вазнининг ўта пастлиги билан боғлиқ муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш уларнинг омон қолиш прогнозини яхшилашга, шунингдек келажақда ҳаёт сифатини яхшилашга олиб келади [6,9].

Тадқиқотнинг мақсади: экстремал паст вазн билан туғилган чақалоқларда тимус ва плацентанинг тузилиши ва функциясидаги асосий ўзгаришларни аниқлаш ва уларнинг мослашиш қобилиятига таъсирини ўрганишдан иборат.

Материал ва усуллар

Тадқиқот ишлари Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Хоразм вилоят патологик анатомия экспертиза бюросида 2021-2023 йиллар давомида экстремал паст вазн билан туғилган 117 нафар чақалоқлардан олинган маълумотлар таҳлил қилинди. Шулардан 71(61%) нафари ўлик ҳомила, туғилиб 1 ҳафтагача яшаган чақалоқлар сони 31(26%) нафарни, туғилиб 3 ҳафтагача яшаган чақалоқлар сони 15(13%) нафарни ташкил этди.

1-расм.




Тадқиқот иши давомида чақалоқларнинг ёши ва тана вазни бўйича олинган маълумотлар таҳлили (n=117)

Натижа ва таҳлиллар

Тадқиқот ишлари Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Хоразм вилоят патологик анатомия экспертиза бюросида 2021-2023 йиллар давомида жуда паст вазн билан туғилган 117 нафар чақалоқларда таҳлил қилинди.

Илмий изланиш давомида олинган натижалар куйидаги диаграммаларда ўз аксини топган.


2-расм. Тадқиқот давомида чақалоқларнинг ёши бўйича олинган маълумотларни фоизлар нисбатидаги таҳлилий солиштирув натижалари (n=117)



Таҳлил қилиш учун олинган 117 нафар чақалоқларнинг муддатидан олдин туғилиши бўйича ҳолатлар таҳлил қилинганида куйидагича натижалар олинди: 22 ҳафталик чақалоқлар 2 нафар (1.7%), 23 ҳафталик чақалоқлар 13 нафар (11.11%), 24 ҳафталик чақалоқлар 18 нафар (15.3%), 25 ҳафталик чақалоқлар 22 нафар (18.8%), 26 ҳафталик чақалоқлар 27 нафар (23%), 27 ҳафталик чақалоқлар 10 нафар (8.5%), 28 ҳафталик чақалоқлар 16 нафар (13.67%), 29 ҳафталик чақалоқлар 4 нафар (3.4%), 30 ҳафталик чақалоқлар 2 нафар (1.7%), 31 ҳафталик чақалоқлар 1 нафар (0.85%), 32 ҳафталик чақалоқлар 2 нафарни (1.7%) ташкил этганлиги 1-жадвалда тақдим қилинади.


Муддатидан олдин туғилган чақалоқлар бўйича олинган натижалар таҳлили (n=117) 1-жадвал.

Ҳафталик	Сони	Ҳисса (%)
22 ҳафталик	2	1.7%
23 ҳафталик	13	11.11%
24 ҳафталик	18	15.3%
25 ҳафталик	22	18.8%
26 ҳафталик	27	23%
27 ҳафталик	10	8.5%
28 ҳафталик	16	13.67%
29 ҳафталик	4	3.4%
30 ҳафталик	2	1.7%
31 ҳафталик	1	0.85%
32 ҳафталик	2	1.7%



3-расм. Муддатидан олдин туғилган чақалоқлар бўйича олинган натижалар таҳлили (n=117)

Таҳлил учун олинган 117 нафар чақалоқларнинг муддатидан олдин туғилиши бўйича ҳолатлар ойлар кесимида ўрганилганида қуйидагича натижалар олинди: 117 нафар чақалоқдан 33 нафари (28.2%), ҳомила даврининг 6 - ойлигида. 75 нафари (64.1%), ҳомила даврининг 7 - ойлигида. 9 нафар (7.69%) ҳомила даврининг 8 - ойлигида туғилганлиги аниқланди.



4-расм. Жуда паст вазн билан туғилган чақалоқларнинг вақтидан олдин туғилганлиги бўйича олинган натижалар ойлар кесимида (n=117)

Жуда паст вазн билан туғилган чақалоқларнинг клиник ташҳисига кўра ўлим сабаби: Ҳомила антенатал нобуд бўлиши – 4 нафар (3,40%). Бачадон ва йўлдош орасида қон айланишининг сурункали бузилиши – 12 нафар (10,20%). Нафас бузилиш синдроми ўпка ателектази – 45 нафар (38,40%). Бачадон ва йўлдош орасида қон айланишининг ўткир бузилиши – 50 нафар (42,73%). Ўлик ҳомила, етилмаганлик (23-24 Ҳафта) – 3 нафар (2,56%). Нафас бузилиш синдроми ўпкаларга

массив қон қуйилиши – 1 нафар (0,85%). Ҳомиладорлик патологияси натижасида юзага келган ҳомила ичи гипоксияси – 2 нафар (1,70%).

Жуда паст вазн билан туғилган чақалоқларнинг клиник ташҳисига кўра ўлим сабаби натижалари таҳлили (n=117) 2-жадвал

№	Ўлим сабаби клиник ташҳис	Сони	Фоизи
1.	Ҳомила антенатал нобуд бўлиши	4 нафар	3,40%
2.	Бачадон ва йўлдош орасида қон айланишининг сурункали бузилиши	12 нафар	10,20%
3.	Нафас бузилиш синдроми ўпка ателектази	45 нафар	38,40%
4.	Бачадон ва йўлдош орасида қон айланишининг ўткир бузилиши	50 нафар	42,73%
5.	Ўлик ҳомила, етилмаганлик (23-24 ҳафта)	3 нафар	2,56%
6.	Нафас бузилиш синдроми ўпкаларга массив қон қуйилиши	1 нафар	0,85%
7.	Ҳомиладорлик патологияси натижасида юзага келган ҳомила ичи гипоксияси	2 нафар	1,70%



4-расм. Жуда паст вазн билан туғилган чақалоқларнинг клиник ташҳисига кўра ўлим сабаблари фоиздаги ифодаси (n=117)

Хулоса

Тадқиқот натижалари экстремал паст вазн билан туғилган чақалоқларнинг муддатидан олдин туғилишига алоқадор бўлган муҳим омилларни аниқлашга қаратилган. 117 нафар чақалоқдан олинган маълумотларга кўра, энг кўп туғилиш ҳолатлари 26 ҳафталик чақалоқларда (23%) кузатилди. Шунингдек, 7 ойлик ҳомиладорлик даврида туғилган чақалоқлар сони 75 нафарни ташкил этган бўлиб, бу умумий сонинг 64.1% ни ташкил этади. Энг асосий клиник ташхис сифатида бачадон ва йўлдош орасидаги қон айланишининг ўткир бузилиши аниқланди, бу 42,73% ҳолатларда ўз аксини топди. Шунингдек, нафас бузилиш синдроми ўпка ателектази сабабли чақалоқлар ўлими 38,40% ни ташкил этгани маълум бўлди. Тадқиқот давомида бачадон ва йўлдош орасидаги қон айланишининг бузилиши ва нафас бузилиш синдроми билан боғлиқ вирусли инфекциялар мавжудлигига алоҳида эътибор қаратиш кераклиги кузатилди.

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади - бачадон ва йўлдош орасида қон айланишининг ўткир бузилишига олиб келувчи омилларни ўрганиш ва уларни тадқиқ этишдир. Натижалар, келгусида бу соҳадаги тадқиқотларнинг ривожланиши ва профилактика чораларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратишимиз кераклигини кўрсатди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абрамченко, В. В. Клиническая перинатология / В.В. Абрамченко, Н.П. Шабалов. - Петрозаводск: "Интел Тех". 2020
2. Автандилов, Г. Г. Медицинская морфометрия / Г.Г.Автандилов. М.: Медицина, 1990.
3. Агеев, А. К. Гистопатология вилочковой железы человека М.: Медицина, 1973.
4. Азова, М. М. Тимомегалия и раннее инфицирование вирусами Эпштейн-Барр и цитомегаловирусами М.М. Азова //Детские инфекции. 2004.
5. Айламазян, Э. К. Морфофункциональные особенности амниона при нормальной и патологической беременности /Э.К.Айламазян, Е.П. Калашникова, А.И. Танакова //Акушерство и гинекология. 1993.
6. Кулида Л. В. и др. Алгоритм диагностики морфологических изменений в последе при невынашивании беременности иммунного генеза (в 22- 27 недель) /Л. В. Кулида [и др.] //Молодая семья: здоровье и репродукция, медико-социально-правовая поддержка: сб. - Ярославль - Иваново, 2009.
7. Александрова, Ю. Н. Роль системы цитокинов в патологии перинатального периода / Ю.Н. Александрова //Педиатрия 2007.
8. Алещенко И.Е. Морфофункциональные корреляции плаценты и органов иммунной системы при нарушениях развития плода и новорождённого: дис. канд. мед. наук. 2020.
9. Анастасьева, В. Г. Синдром задержки развития плода / В.Г. Анастасьева. – Новосибирск 2020.
10. Анохин П.К. Очерки по физиологии функциональных систем /П.К. Анохин. М.: Медицина. 1975; 448 с.

Қабул қилинган сана 20.11.2024